



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

# Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal  
Spiritual and educational, scientific-literary journal

№ 1 / 2021

2 BIZ  
2000 - 2020  
YOSH DAMIZ!



## Ушбу сонда:

<b>Шовосил ЗИЁДОВ.</b> Сидқий Хондайлиқийнинг хаттотлик ва муҳрканлик фаолияти.....	3
<b>Отабек МУҲАММАДИЕВ.</b> “Лубобул Калом”да Аллоҳга макон ва жиҳатни нисбат бериш масаласи.....	4

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

<b>Ҳакима САЛОМОВА.</b> Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий.....	7
<b>Жамолиддин ЖҮРАЕВ.</b> Алишер Навоий асарларида қўлланилган поэтик деталлар.....	9
<b>Замирахон ИСАҚОВА.</b> Ориф, ирфон ва маърифат муштараклиги.....	10
<b>Суннатилло РАХМОНОВ.</b> Нақшбандия ва Мавлавия тариқатлари: умумийлик ва хусусийлик.....	13
<b>Машраб ХИДИРОВ.</b> Араб тили тилшунослигида Маҳмуд аз-Замахшарий асарларининг тутган ўрни.....	16
<b>Абдувоси ҒАНИЕВ.</b> Аллома Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садрш Шарийанинг ҳаёти ва илмий мероси.....	18
<b>Гузал САЛИМОВА.</b> Абдурраҳмон Самарқандийнинг «Абу Лайс ҳикматлари» асарларидаги баҳс-мунозара юритиш одобининг ахлоқий жиҳатлари.....	20
<b>Малика НОРОВА.</b> Сайфиддин Бохарзий рубоийларида ахлоқий ва маънавий фазилатларнинг акс этиши...22	22
<b>Отабек БАХРИЕВ.</b> Фикҳ борасида Имом Бухорий таянган далиллар.....	25
<b>Гавҳар ИСТАМОВА.</b> “Насойим ул-Муҳаббат”да робиаи адавия сиймоси.....	27
<b>Ойбек РАШИДОВ.</b> Большевикларнинг Ўзбекистондаги таълим тизими ва мамлакатимиз зиёлиларига қарши мафкуравий кураши.....	29
<b>Баходиржон АЗАМОВ.</b> Қуръон, ҳадис ва ҳикматлардаги масалларни бадиий услубда баён қилган мўътабар манба.....	32
<b>Зарина ХИММАТОВА.</b> Сўфи Оллоҳёр асарларида устознинг улуғлиги ҳақида.....	34
<b>Абдулвоҳид НУРИДДИНОВ.</b> Бобур ва Маҳдуми Аъзам.....	36
<b>Зафар ФАХРИДДИНОВ.</b> Ҳақим Термизийнинг “Таҳсил Назоири-л-Қуръон” асари борасидаги замонавий тадқиқотлар ҳақида.....	38

### НОДИР МАНБАЛАР

<b>Усмонхон МУҲАММАДИЕВ.</b> “Таъвилот ал-Қуръон” асари қўлёзмалари ва уларнинг тадқиқ этилиши.....	41
<b>Сарвар САИДОВ.</b> Ибн ал-Муқаффа асарларида ислоҳотчилик ғояларининг намоён бўлиши.....	43
<b>Абдушукуржон МУРАТОВ.</b> Умар Насафийнинг тафсир илмига оид илмий мероси ва “ат-Тайсир фи-Тафсир” асарининг юртимиз фондларида сақланаётган нусхалари.....	45
<b>Саодат ҲАМРОЕВА, Фирюза ШИРИНОВА.</b> Хожагон таълимотининг манбалар ёрдамидаги таҳлили.....	46

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

<b>Зоҳид МАДРАҲИМОВ, Фазлиддин МАМАСИДИҚОВ.</b> Қўқон хонлигида савдо муносабатлари тарихидан....	48
<b>Маҳмуд НАСРУЛЛАЕВ.</b> Мамлакатимизда дастлабки мадрасалар вужудга келишининг шарт-шароитлари...51	51
<b>Зухра АРИПОВА.</b> Мамлукларнинг мисрдаги ҳукмронлигига доир: Султон Зоҳир Бейбарс ва унинг ҳукронлик даври (1260-1277).....	53
<b>Зилола САФАРОВА.</b> Тинчлик бебаҳо, хотира муқаддас.....	56
<b>Сайёра ТУРАЕВА.</b> Бухоро хонлигида тоғ-кончилик ишлари тарихи.....	58
<b>Ойбек ҚЛИЧЕВ.</b> Элчилик котибларининг асарлари: Дипломатик муносабатлар тарихини ўрганиш манбаси..60	60
<b>Алишер ИСМАИЛОВ.</b> IX-XII асрларда мовароуннаҳрда илм-фан юксалишининг асосий хусусиятлари.....	63
<b>Bobir ИМАМОВ.</b> Historical stages of diplomatic relations between Uzbekistan and Turkey (1991-2019 years)...65	65
<b>Лола ХАСАНОВА, Т.Р. ЭРНАЗАРОВ.</b> Культурное наследие Узбекистана на золотых страницах истории.....	68
<b>Хушнудбек МАМАДАЛИЕВ.</b> Қўқон хонлиги шаҳарлари (XIX-XX аср бошлари).....	69
<b>Хуршида АШУРОВА.</b> Особенности социально-политических идей джадидов Самарканды.....	71
<b>Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ.</b> Самарқандда зиёрат туризмни ривожланишида муқаддас қадамжоларнинг ўрни...73	73
<b>Ўқтам БЕРДИЕВ.</b> Тарих фани предмети, тарих фанларининг туркумланиши ва тарихий билишда фанлараро алоқадорликлар.....	75
<b>Umidjon VAQOYEV.</b> Buxoro amirining Shirbudun saroyi.....	78

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

<b>Умиджон ҚҶШАЕВ.</b> Диний тоқатлилик ва бағрикенглик: Уйғунлик ва ўзига хослик.....	80
82.....	82



<b>Маъмуржон ЭРКАЕВ.</b> Ислом ҳуқуқида ижаранинг мазмун моҳияти.....	85
<b>Санжар МУРОДОВ.</b> Футувват гўзал ахлоқ тимсоли.....	87
<b>Марғуба ҚУРБОНОВА.</b> Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” асарида тарбия масалалари.....	88
<b>Исмаил ХАУТИЕВ.</b> Передача награды за благие дела усопшим.....	90
91..... نصرالدين بن محمد بيكوف. حكم الإسلام في إجارة الأرحام	
<b>Мухиддин АЛЛАНАЗАРОВ.</b> Аллома Таботабойнинг ҳаёти, ижоди ва унинг ислом тафаккури тарихидаги ўрни.....	93

### МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

<b>Ақтамкул САМАДОВ, Отабек МАХАММАТОВ.</b> Глобал ахборот медиа оламининг ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигига таъсирини баҳолаш.....	95
<b>Моҳира АБДУЛЛАЕВА.</b> Интернетда терроризмнинг намоён бўлиш шакллари.....	97

### ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

<b>Соҳиба ЯЗДОНОВА, Жанибек ТАНИҚУЛОВ.</b> Жамоатчилик фикрини шакллантиришда педагогик-дидактик усулларнинг роли.....	99
<b>Фотима ПРИМОВА.</b> Маданиятли инсонни тарбиялаш – муҳим маънавий-маърифий вазифа.....	100
<b>Ойбек СИРОЖОВ.</b> Глобаллашув шароитида марказий осиеда минтақавий ҳамкорлик зарурияти.....	102
<b>Фаррух УСМОНОВ.</b> Фан этикасида олимнинг ижтимоий ва илмий масъулияти.....	104
<b>Жавлон ҚУЧҚОРОВ.</b> Тарихни диалектик маданий тушуниш миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг методологик асоси сифатида.....	105
<b>Моҳира МИРЗАЕВА.</b> Буюк ипак йўлининг шарқ ва ғарб ижтимоий-маданий, диний алоқалари интеграциялашувидаги аҳамияти.....	108
<b>Фарҳоджон БОЙМАТОВ.</b> Туризмнинг миллатлараро ижтимоий коммуникация жараёнида тутган ўрни.....	110
<b>Азиза ЭГАМБЕРДИЕВА.</b> Жамият тараққиётида миллий ғоя ва мафкуранинг ўзаро алоқадорликда намоён бўлиши.....	112
<b>Ақбар САФАРОВ.</b> Миллий тараққиётимиз ва янгиланишларнинг концептуал асоси.....	114
<b>Жонибек БОЙСУНОВ.</b> Маънавий маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни.....	114
<b>Нурмуҳаммад ҚАРШИЕВ.</b> Сиёсий партияларнинг демократияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим сиёсий институт сифатидаги аҳамияти.....	118
<b>Хонзода МАДАЛИЕВА.</b> Муқаддаслик категорияси ва унинг тарихий-ретроспектив ривожини.....	121
<b>Элёр АЛИМКУЛОВ.</b> Ўзбекистон ҳудудида илк мозий эътиқодлар билан боғлиқ диний-мистик рамзлар хусусида (Диний эътиқодлар узвийлиги ва дуализм кўринишлари мисолида).....	123

### ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

<b>Бахтиёр ТУРАЕВ.</b> Вақтнинг онтологик моҳияти ҳақида икки мақола.....	125
<b>Комил ҲАЙДАРОВ.</b> Нақшбандийлик фалсафасининг маънавий қадриятлар тақомилига таъсири.....	127
<b>Сойибназар КАРИМОВ.</b> Кубровийлик тариқатининг фалсафий асослари.....	129
<b>Ҳакимбек ЁРҚУЛОВ.</b> Абу Ҳомид Ғаззолийнинг гносеологик қарашлари.....	132
<b>Феруза БОЗАРОВА.</b> Иммануил Кант трансцендентал эстетикаси.....	134
<b>Ш.А. НАМАЗОВА.</b> Социально-философские аспекты узбекской музыкальной культуры в эпоху третьего ренессанса.....	137
<b>Сарвар АБДУЛЛАЕВ.</b> Инсон эркинлиги категорияси ва унинг асослари ва кафолатлари (Ҳуқуқий, фалсафий ҳамда диний қарашлар уйғунлиги).....	138
<b>Махсуд ТОШБОБОЕВ.</b> Сунъий интеллектнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши: тадқиқий йўналишлар таснифи.....	141
<b>Умида НУРМАТОВА.</b> Мутолаа – билиш предмети сифатида.....	142
<b>Нафиса ЭГАМБЕРДИЕВА.</b> Алишер Навоийнинг эстетик меросида миллий ғоя масалаларининг фалсафий таҳлили.....	144

### ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

<b>Сардорбек МИРЗАХАЛОВ.</b> Ёшларни иш билан таъминлашда тадбиркорлик фаолиятининг ўрни (Фарғона вилояти мисолида).....	147
--	-----

### ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

<b>Д.И. ВАСИЕВА.</b> Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.....	149
---	-----



# ШАМС ТАБРИЗИЙ ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

**ҲАКИМА САЛОМОВА**

*Бухоро давлат университети профессори,  
фалсафа фанлари доктори*

Мавлоно Шамсулҳаққ ва-д-дин Муҳаммад ибн Али ибн Малиқдод Табризий одатда Шамс Табризий деб юритилади. 1185 йилнинг октябрь ойида Эроннинг шимоли-ғарбийдаги Табризда (ҳозирги Озарбайжоннинг шимоли-ғарбида) туғилган. Оиладаги ягона ўғил фарзанд бўлган.

Ёшлигиданоқ Табризий ўзининг жуда тиришқоқлиги, қобилияти, ўткир зеҳни билан ажралиб, атрофдагиларни мудом лол қолдирган. Болалик пайтлариёқ бир ўқишда ўрганган нарсаларини бошқа тенгдошлари қаттиқ меҳнат билан бир неча ойлар давомида зўрға ўрганишган.

Шамс Табризийнинг олимлиги ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. У кимё фанини жуда яхши билган. Шу билан бирга, математика, астрономия, мантиқ ва фалсафани чуқур ўзлаштирган. У баланд бўйли, озғин юзли, кўз қарашларида меҳр балқиб турувчи киши бўлган. Мағрур ва қатъиятли, этиқодини қиличдек кескир ва аниқ, жазавага тушмай тушунтира оладиган воиз, донишманд, машҳур ва жасур шайхлардан бўлган.

## ФАЙЛАСУФ, МАНТИҚШУНОС, ШОИР

Табризий Куръонни ўқиётган пайти “Шамс” сурасини ўрганаётган вақтида каломнинг гўзаллигидан масрур бўлиб: “Менинг исмим Шамс”,\* деб айтади. Ушбу воқеадан сўнг уни Шамс Табризий деб атайдиган бўлишади.

Саёҳатга интилиш унга тинчлик бермайди. Билимга чанқоғини қондириш, ечилмаган саволлар, муаммоларга жавоб топиш ором бермайди. Илм излаб, сафарга отланади. Зиёга интилиш, Муҳаммад (с.а.в.)га муҳаббатга эришиш йўллари излайди. Кейинроқ устоз шайх Абубакр ибн Исмоил Термизий Силабоф номи билан машҳур бўлган инсон раҳнамолигида мукамал илм олади.

Шамс Табризий жуда кўп улуғ донишмандлар, сўфийлар, футувват илми аҳлидан сабоқ олади. Унинг устозларидан бири Бобо Камол Жундий бўлган.

Улуғ машойих Бобо Камол Жундийнинг ўзига Нажмиддин Кубро устозлик қилган.

Бобо Камол Жундий бир куни ёш Шамсга васият қилиб бундай деган экан: “Ўғлим Шамсиддин, Ҳақ Субҳонаҳу ва таъоло сенга бир мусоҳиба рў (рўбарў) қиладики, аввалан ва охиран тамом маориф ва ҳақойиқни сенинг номингга изҳор этгувсидир, ҳикмат ирмоқлари унинг қалбидан лисонига жорий бўлиб, ҳарф ва савт либосига киради, ўшал либоснинг тарози сенинг номинг ила аталғувсидир”.

Демак, Шамс Табризий билан Мавлононинг келажақдаги хайрли ва савобли учрашуви, “Девони Шамсул Ҳақойиқ” асарининг Мавлоно Жалолиддин Румий томонидан ёзилиши, ушбу қимматбаҳо асарнинг Шамс Табризий номи билан аталлишини биринчи бўлиб Шайхи бузургвор Бобо Камол Жундий башорат қилиб, олдиндан айтиб ўтган экан.

Шамс Табризий учун илм сув ва ҳаводек эди, у асло илм-сиз ҳаётни тасаввур эта олмаган. Ниҳоятда кўп олим донишманд ҳамда мутафаккирлар билан илмий суҳбатлар курган ва улардан таъсил олган. Ўзининг атиги биттагина шогирди – Шайх Иброҳим бўлган, холос. Бу ҳақда “Мақомот”да маълумот берилган.

Шамс Табризий юқоридагиларнинг тарбиясини олган Шайх Авҳадиддин Кирмоний, Шайх Фаҳриддин Ороқий, Шайх Закариё Мўлтоний сингари комил сўфийларнинг суҳбатига муяссар бўлган. Дамашқда улуғ тасаввуф олими Муҳиддин ибн Арабий билан баҳс-мунозара олиб борган. Али Маъруф Кархий, Сирри Сақатий, Жунайд Бағдодий, Абу Али Рудбарий, Салом Мағрубий, Абдулқодир Сухравардий, Қутбиддин Абхарий, Рукнуддин Сиджий, Ибн Арабий каби алломалар фикр-ғоялари унинг дунёқараши шаклланишига катта таъсир қилади. Шамс Табризий илм излаб Табриз, Дамашқ, Ҳалаб, Бағдод, Қайсар, Оқсарой, Сивас, Эрзурум, Эрзинджон, Кўния, Хой каби шаҳарларда бўлган. Қайси шаҳарда бўлмасин, доимо илмий, маънавий озуқага муҳтожлик сезар, тинимсиз ўқиб, илмий изланишлар олиб борарди.

Илмий-маънавий чанқоғини босиши учун булоқни унга Жалолиддин Румий ҳада этади. Шамсулҳаққ ва-д-дин

Муҳаммад ибн Алий ибн Малиқдод Табризий билан Жалолиддин Румий 1243 йилда учрашади. Шамс Табризий Жалолиддин Румийдан роппа-роса 25 ёш катта бўлган. Кунлардан бир кун йўлда Шамс Табризий Румийдан сўради: “Илмлардан мақсад недир?” “Шариат одобларидан хабардор бўлиш!” “Йўқ! Маълумга етишмоқ”, деди ишонч ила Шамс Табризий ва Ҳаким Санойининг: “Илм сени ўзингдан жудо қилмаса, жоҳиллик ундан кўра яхшироқ”, деган байтини ўқиди. Шамсуддин Табризий мўлжални аниқ олган эди.

“Илму ҳикмат зояд аз луқмаи ҳалол,  
Ишқу риққат ояд аз луқмаи ҳалол.”

Таржимаси:

“Илм ва ҳикмат ҳалол луқмадан туғилади,

Ишқ ва мулойимлик ҳалол луқмадан келади.”

Жалолиддин Румий

Муҳаммад ибн Алий билан Мавлоно 1244 йилнинг 26 ноябрида Кўнедаги “Маржа ал-бахрайн” деган жойда учрашган. Кейинчалик халқ бу ерни “Икки денгиз қўшиливи” деб атаган.

Юқорида таъкидганимиздек, Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий тарози буржи остида таваллуд топган. Улар учрашганда Румий 37 ёшда Шамс Табризий эса 60 ёшдан ошган эди. Румий қалбида Шамс Табризий Аллоҳнинг мутлақ ишқ ўтини аланга олдиради. Табризий билан Мавлоно ўртасидаги суҳбат уч ой давом этади. Мавлоно Табризий билан учрашгунга қадар жамият орасида буюк бир устод ва олим бўлишга улгурган эди. Шамс ўз номи билан Шамс. У ёритувчи, куйдиргувчи, кулга айлантурувчи бир курра [1]. У бир мумтоз донишманд, илм аҳлининг сўфийларидан эди. Румий Табризийга катта ихлос билан боғланиб қолади. “Авваллари илоҳий деб билганим, бугун менга инсон қиёфасида дуч келди”, деб фахрланиб юради. Жалолиддин Румий Шамсиддин Муҳаммад Табризийни ўз пири, деб эълон қилади. Табризий уч йил Румийга фалсафа ва сўфийлик таълимотини ўргатади. “Шамс Мавлонога ақлнинг асоратидан қутулиш йўллари ўргатди. Чунки ақлнинг худуди аниқ, муайян бир ердир, ақлсизликдир. Кўнгилнинг худуди эса сўнгсизликдир. Унинг таскин нуқтаси эса фано-филлоҳдир” [2: 17]. Румийнинг ўзи ҳам бу ҳақда бундай ёзади: “Агар Аттор менга руҳ бахш этган бўлса, Шамс Табризий тилсим калитини тутқазди”.

Жалолиддин Румий ва Шамс Табризий бир-бирини тўлдирган. Шамсиддин Муҳаммад Табризий ёзишни хуш кўрмаган. Унинг “Мақолол” асари вафотидан кейин шогирдлари томонидан асар ҳолига келтирилган. “Мақолол” унинг Мавлоно Румий ва бошқа муридлари билан бўлган мулоқот ва савол-жавобларидан иборат бўлган. Шамс Табризий ўз асарида Комил Инсонга бундай таъриф берган: “Комил инсон – бу ўзликни англаш ва ўзини унутишдир” [3: 84]. Жалолиддин Румий “Маснавий”да Шамс Табризийнинг “Мақолол” асаридаги мақолол ва ҳикоялардан фойдаланган.

Уч йил давом этган илмий-ирфоний суҳбатлар сўфийлик ҳамда жаҳон динлари мавзуида бўлиб, уларнинг барчаси Жалолиддин Румий дунёқарашига кучли таъсир кўрсатди. Икки даҳо, икки дўст, икки ҳамфикр гўё сўз ва маънодек бирлашдилар.

\* Шамс – Кўёш, нур, порловчи нур.



Шамс Табризий Жалолиддин Румий билан орасидаги муносабатни асло устоз-шогирд муносабати, деб ҳисобламаган. Бу муносабатларни у дўстона ва маънавий ҳамкорлик, деб билар эди. Ҳар томонлама бири-бирига тенг икки даҳо уч-рашуви, икки самимий, бир-бирини тўлдирувчи бу буюк мутафаккирлар орасидаги беғубор илиқ кучли муносабат бор эди. Ҳар доим бир-бирига илмий-маънавий ташна инсонлар дўстлиги эди бу.

Мавлоно Румий ўз шогирдларидан ҳамда масжиддан анча узоқлашди, натижада икки шахснинг чин дўстлигини кўра олмаган айрим ичи қора одамлар Шамсга нисбатан фитна уюштиришни режалаштиришди. Чунки улар Мавлоно Румийнинг суҳбатларидан бебахра қолишган эди. Бунга сезган Шамс Табризий (ҳижрий 643 йил 21 шаввол – С.Х.) 1246 йилнинг йилнинг 15 февралда Кўниёдан Дамашққа кетишга мажбур бўлди. Бу устоз ва шогирд бор-йўғи 15 ой, 25 кунгина бирга бўлди. Бу вақт мобайнида улар бир-биридан бир дақиқа ҳам ажрамаганди. Шамс қаерга ва қайси томонга йўл олишини ҳатто энг яқин дўстига ҳам айтмаган. Мавлоно Румий Табризийнинг дарагини ҳар дақиқа умид билан кутиб яшайди.

Мавлоно Румий Табризийнинг қайтишини истаб кўплаб мактублар йўллайди, лекин буларнинг барчаси бесамар кетади.

Шамс Табризий Мавлоно Румийга қандай таъсир кўрсатди? Исмоилия тоифасига мансуб бўлган Шамс Табризий дунёқарашлари Жалолиддин Румийнинг инсон соҳасига оид қарашларига кучли таъсир кўрсатди.

Мавлоно Румий таъкидлайди: “Инсон учун тақлиф\*\* бор, ҳайвон ва малаклар учун бу – истисно эди. Демак, инсоннинг ярми шахват, ярми ҳайвон, ярми илон, ярми балиқ. Балиқ қисми уни сувга тортса, илон бўлаги тупроққа судрайди. Ана шу тарзда доимий жанг давом этади”. [4: 213].

Шу сабабли мутафаккир инсонни ўз-ўзини англашга даъват этади:

“Ўзингга боқ, ўзингга! Аслингга сўзингга, нафсингга.

Ўзгани қўй. Ким нима еди, нима кийди. Сенга нима?

Сен ўзингни илм билан, севги билан, шафқат билан парвариш қил.

Ана шундагина чин Инсонлик ҳимматига етасан!”

Бунга ҳамоҳанг ибора Шамс Табризийда бундай жангларга бўлади: “Бу ҳаётда ҳар ким бўлишинг мумкин, аммо энг муҳими ИНСОН бўлмоғингдир”.

Уларнинг муштарак фикрлари ижодидаги диалектик қоидалар билан йўғрилган:

 <p><b>Шамс Табризий:</b></p>	 <p><b>Жалолиддин Румий:</b></p>
<p>“Баъзан узоқлашмоқ керак, яқинлашмоқ учун. Баъзан эсламоқ керак, эсланмоқ учун. Баъзан йиғламоқ керак, очилмоқ учун. Баъзан сукут яхшидир, тингламоқ учун.”</p>	<p>“Ҳар нафас нав мешавад дунёмо, Бехабар аз нав шудан андар бақо”.</p>

“Дунё доимо янгилашида, ўзгаришда, тараққиётда. Фақатгина табиат борлиғи бўлган олам эмас, балки инсон қалбидаги дунё-олам ҳам доимо ўзгаришда бўлади”, деб таъкидлайди Мавлоно Румий. Аммо олам ўзгаришлар оғушида бўлса-да, у ўзининг чегарасидагина ўзгаради. Табиат борлиғидаги ўзгаришлар билан маънавий-руҳий олам

\*\* Тақлиф – бу ерда танлаш имконияти.

ўзгаришлари орасида албатта фарқлар бор. Инсоният юксалишга интилади.

Мутафаккир доимо қора рангли кийим кийган. Айнан шу вақтдан бошлаб кичик Осиёда шундай кийим сўфийлар учун урф бўла бошлади. Баъзида Шамс Табризийни Сайфуллоҳ, яъни “Аллоҳнинг шамшири” (қиличи) деб ҳам аташган.

Шамсуддин Табризийнинг ўзини ҳам, изини ҳам топа олмаган Мавлоно Румий кўнгли сокинлик истаб, ўз-ўзига “Мен билан Шамсуддиннинг орасида фарқ йўқ. У қуёш бўлса, мен зарраман. У денгиз бўлса, мен қатраман. Зарранинг зиёси қуёшдандир. Қатранинг ҳаёти денгиздандир”, деди. Сўнг у Кўниёга қайтар экан, мен Шамсуддинни эмас, ўзимни излаган эканман, деган фикрга келади.

Ҳақиқатан ҳам Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий бир-бирида акс этган, бир-бирини тажалли этган. Қуйидаги мисраларга эътибор қаратинг.

Жалолиддин Румий:

“Минг йил ўқисаму, мендан “нимани билдинг”, деб сўрасалар, “ҳаддимни билдим”, дейман”.

Жаноби Ҳақ ҳар нарсани мезони ила берар, ҳисобсиз, мезонсиз бермас.

Шамс Табризий:

“Раббим! Барчамизга ҳаддимизни билиб мулкингга одоб билан яшамоғимизни насиб айла!”

“Ҳар бир инсон мутлақо бир нарсага интилади!

Бола, улғайсам, дейди.

Қари, ёшарсам дейди.

Касал, соғайсам дейди.

Камбағал бой бўлсам, дейди.

Бой эса наузъубиллоҳ,

“Худо” бўлсам, дейди.

Эй инсон, ҳаддингни бил,

Инсонлигингни, қуллигингни асло унутма!

Ҳар нарсанинг меъёри яхши, одобнинг эса ортиғи.”

Жалолиддин Румий:

“Меҳр ва нафратда меъёрни билинг. Кимлардир меҳрни ҳаддан орттириб юборади, кимлардир нафратни. Ҳар икки ҳолатда ҳам барибир ҳалок бўлади. Шундай экан, меъёрни белгилашда адашманг”.

Инсонлар ҳаётнинг барча-барча жабҳаларида: табиат борлиғида ҳам, маънавий, руҳий борлиқда ҳам меъёрга амал қилсалар, асло хато қилмаган бўладилар. Шу сабабли бўлса керак, халқ орасида бундай мақол бор: “Қари бор уйда бўри ҳам, қўй ҳам яхши яшайди”, зеро ёши улуғ инсонлар оила аъзоларини меъёрда ушлаб туришда бирдек ҳаракат қиладди. Ҳар бир инсон меъёрни, ҳадни билишда жуда қийналади.

Бошқа жойда нафс меъёрининг қимматини жуда ўринли ифодалаб, Жалолиддин Румий ёзади:

“Нафсини билган

ўзини билар...

Ўзини билган

Ҳаддини билар...

Ҳаддини билган

Раббини билар”.

Дарҳақиқат, Жаноби Ҳақ оламни муайян тартибот, ҳад ила яратган. Аммо Ҳақ оламдаги ҳадни билишни инсонга юклаган. Инсон оламни ўрганиши, борлиқдаги ҳадларни топиши ва уларга амал қилиши лозим. Шу сабабли бошқа жойда Румий: “Тупроққа мансуб инсон Ҳақ таолодан илм ўрганди ва ўша илм билан Аршга қадар бутун оламни ойдинлатди”, деб таъкидлайди. Билиш – объектга тинимсиз яқинлашиш, объект сифати, миқдори меъёрини, сўнг моҳияти ҳақидаги барча кўрсаткичларга эга бўлишдир; ўз-ўзини билиш – бу ўзининг ички имманент меъёрини билишдир. Табиат борлиғидаги нарса, ҳодиса, жараёнларни ҳам, ижтимоий ва руҳий борлиқдаги меъёрларни билиш қийин, мураккаб, аммо ўрганиш мумкин бўлган жараён дур. Инсон ўзининг мусбат ва манфий, жисмоний ва маънавий, руҳий ҳолатлари, ички кучи, қобилиятининг объектив даражасини била бошласа, ўз-ўзининг меъёри – ҳаддини ҳам била бошлайди.

Жалолиддин Румий:

“Керагида жим тура оладиган лабларнинг қурбони бўлай”.



Шамс Табризий:  
“Мен қанча дўстларни кўрдим, лекин тилни тийишдан афзалроқ дўст кўрмадим.

Не не молларни кўрдим, аммо қаноатдан афзалроқ мол кўрмадим.

Қанча яхшиликларни кўрдим, аммо насихатдан яхшироғини учратмадим.

Қанчадан қанча таомларни кўрдим, сабрдан лаззатлироғини учратмадим”.

Ўз-ўзини билиш, табиат ва инсон борлиғи меъёрларини билиш мантикий боғлиқликда содда ва равон иборалар орқали ифодалангани кишини ҳайратга солади. Буларни англаб, ўқиб-ўрганиб инсон оламда яшаш қонун-қоидаларини ўрганади.

Аёл ҳақида:

Партави\*\*\* Ҳақдир аёл, маъшук эмас,  
Мисли Холиқдир\*\*\*\* аёл, махлуқ эмас[5: 195].

Жалолиддин Румий

Жалолиддин Румий учун инсон – олий мавжудот. Аёлми, эркамми бари ҳурмат, муҳаббатга лойиқ. Мавлононинг яна бир буюклик томони шундаки, у бир марта инсон қалби муҳаббатга тўлади ва бир марта уйланиш лозим, деган позицияда туради. Унинг учун “Аёл – Ҳақ нури, гўзаллик ва латофат, садоқат тимсоли, у шунчаки маъшуқа эмас... айна Яратувчидир, яратилмиш эмас”. Муҳаббат ёмон феъллардан покланиш, яхши ва гўзал хулқларни ўзида мужассамлаштириш, қалбни, руҳни камол топтириш шундан сўнггина севги-

лисига яқинлашишдир, деб билади Мавлоно Румий.

Шамс Табризий эса аёлни инсон нафаси каби азиз, доимий зарурият, ҳаммага бирдек қадрли, деб билади ва уларга ўзгача бир эҳтиром ила қарайди.

“Аёл билганга нафас, билмаганга нафсдир”.

Шамс Табризий

Инсонни севиб улуғлаган икки аллома учун илм, маърифат, инсонийлик ва унга етишиш умр мазмуни саналган. “Илмни севган инсонни яхши фазилатлар қуршаб олади. Олимлар даврасида бўлинг, ҳурмат топасиз. Дунё сизни сариқ чақасиз қолдирганида ҳам илм ўрганиш пайида бўлинг. Илм сизни тўғри йўлга бошлайди, душманнингизни ожиз қилади, ниятларингизга етказди. Аллоҳ илм билан Ўзининг ризосини истаган кишига юз буради ва марҳаматини аямайди.”\*\*\*\*\*

Шамс Табризийнинг 40-олтин қоидасидаги 23-қоида.

1248 йилда Шамс Табризий “сирли равишда” ғойиб бўлади. У киши айна ўша пайт 63 ёшда эди. Баъзи маълумотларга кўра, бу буюк инсонни ёвуз ниятли душманлари қудуққа ташлаб, ўлдирган. Жалолиддин Румий бу маънавий йўқотишни фақат илм дунёсида фарқ бўлиши билан енгди. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, у дўсти сиймосини ўзида кўрди.

Аслида бу икки дўст, икки мутафаккир ўзининг ноёб ва бой маънавий мероси каби инсонлар қалбида доимо қолади. Уларнинг маънавий оламидаги жавоҳирлар билан танишаркансиз, ўзингизни англаб бораверасиз, камолот томон юз таварасиз.

\*\*\* Партав – нур, ёғду, шуъла;

\*\*\*\* Холиқ – яратувчи, тангри;

\*\*\*\*\* Шамси Тебризи. Мақолот. – Тегеран, 1349 х.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Данилченко Р.Н. и др. Основы философии // Под.редак. В.М. Мопельман и Е.М.Ренскова. – М.: Приор, 1997.
2. Усмон Нури Тўпбош. Бир кўза сув. – Т.: Фан. 2007.
3. Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. – М.: 1986.
4. Румий Жалолиддин. Ҳикматлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов. – Т.: 2008. Шарқ.
5. Мавлоно. “Маснавий”. Туркча таржима. 3-жилд. – Истамбул. 1990. 1-жилд.

♦ **Аннотация:** Ушбу мақола Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий маърифий-фалсафий қарашларининг қиёсий таҳлилига бағишланган. **Таянч сўзлар:** илм, комил инсон, ҳад, ўз-ўзини англаш, аёл.

♦ **Annotation:** This article is devoted to comparative analysis of cultural-philosophical views of thinkers Shams Tabrizy and Jaloliddin Rumi. **Key words:** science, ideal personality, limit, self-awareness, woman.

♦ **Аннотация:** Статья посвящена сравнительному анализу просветительских и философских взглядов Шамса Тебризи и Джалолиддина Руми. **Ключевые слова:** наука, идеальная личность, предел, самосознание, женщина.

## АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ПОЭТИК ДЕТАЛЛАР

**ЖАМОЛИДДИН ЖЎРАЕВ**  
Жиззах давлат педагогика  
институтини доценти,  
филология фанлари номзоди

**А**лишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган Абуяк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. “Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса” [1: 45], деган эди, Биринчи Президент Ислон Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида.

Сўнги йилларда Алишер Навоий асарларини матний, фалсафий, лисоний ва бадий жиҳатдан ўрганиш бўйича бир қанча ишлар қилинган бўлса-да, шоир ижодининг услубий ўзига хослигини кўрсатувчи лингвистик омилларни тадқиқ этиш эндигина бошланди. Чунончи, шоир асарларидаги иш қуроллари номларини бевосита бадий услуб билан боғлиқ ҳолда ўрганиш навоийшуносликнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, Алишер Навоийнинг сўз қўллаш санъатини теран тадқиқ этишнинг кенг имкониятларини очади.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг асарлари нафақат бадий, балки мислсиз маънавий, лисоний бойлик ҳамдир. Бу бойликнинг таркибий қисмларида иш қуроллари ва асбобларига оид сўзлар ҳам мавжуд.

Маълумки, иш қуроллари ва асбоб номлари араб тили грамматикаси қоидасида *مفعول* “мифъал”, *مفعلة* “мифъала”, *مفعال* “мифъол” қолипидан ҳосил қилинади. Масалан, аслида “барода” – эговламоқ феълени “мифъал қолипида айтилса “мибрад” – эгов сўзи ясалади ёки “тароқа” – тақиллатмоқ феълени “мифъалат” вазнида айтилса “митрақат” – болға сўзи ясалади. Алишер Навоий ғазалларида ҳам ана шундай қолипда ясалган иш қуроллари номлари ишлатилганини кузатишимиз мумкин.

Ройиҳаи жаннати аъло ҳам ул,

Партави мисбоҳи тажалло ҳам ул [6:63].

Байтидаги *مصباح* “мисбоҳ” аслида “сабаҳа” – тонгда келмоқ, эрталаб турмоқ феълдан олинган бўлиб, бу ерда чироқ маъ-